

ОНА ТИЛИМИЗ ФИДОЙИСИ

Миллий университет минглаб таълим фидойиларига ўз кучогини очган, илм-сирларидан вокиф қилган бемишнат маърифат маскани. Устозлар меҳрини туйганимиз, буюк олимлар ўғитини жон қулоқ бўлиб тинглаган бегубор ёшлик онларимиз кўз ўнгимизда шода марварид сингари бир-бир ўтади. Талабалик давримиз жуда кўп тасодифларга тўлиб-тошиб бизни шоширадиган паллалар.

Ўзбекистон Миллий университети Ўрта Осиёда номдор илм даргоҳларидан биридир. Ҳайбатли, мухташам ўқув дорулфунунида котмадан келган, қошлари қуюк, кўзлари ўткир нигоҳли, жиддий баҳсларга кириша оладиган она тилимиз жонкуярларидан бири, истараси иссиқ Ёрмат Тожиевни барча катта-кичик ҳурмат қилар эди. Домла ҳам талабаларни жонидан ортиқ яхши кўрарди.

Талабалик жуда тезкорликни тақозо қилади. Барчага таниш ҳолатлар: кўп китоб ўқишингиз, ўз устингизда муттасил ишлашингиз, энг гузал орзулар қила олишингиз, буюк

муваффакиятлар эшигини очиш учун сеҳрли калитга эга бўлмоғингиз, санайверсангиз, кети кўринмайдиган эзгуликлар учун асосий пойдеворни қўйиш эса сизнинг адолатли, билимдон, бағрикенг, меҳрибон устозни танловингиз билан ўлчаниши ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг 50 нафардан иборат билимга чанқок гуруҳимиз бир караганда, бошқа гуруҳлардан фарқ қилмаса-да, бироқ талабанинг ўз ўй-хаёллари ва беозор, ширин ташвишлари ҳам бор эди. Ўқув-машғулоти жуда кизиқарли бўларди. Биз курсдошлар ёзги таътилни, кўпинча меҳнат-роҳат оромгоҳларида ёхуд турли амалиётларда ўтказар эдик. Таътилимиз вақтида богларда олма, урик, нок терардик, ё бўлмаса узумзорларда богбонларга қарашиб, ўзимизни ҳаёт синовларига бардошли қилиб тайёрлар эдик. Эрта куз келиши билан эса Сирдарёнинг кенг пахта далаларига отланиб, узок муддатли пахта йигим-теримларига чиқиб, декабрь ойлари охирида жонажон таълим даргоҳимизга ҳориб-толиб қайтар эдик. Ана шундай гайратга тўла ойдин кунларимизда бизга университетнинг софдил, ёшлик давлари пенюнасига гуё бир умрга битилгандек, ўзларини кувнок ва ташвишлардан холи қилиб кўрсата оладиган (балки бу ҳам маҳоратдир) виждонли, забардаст домлалар киёфаси билан муҳрланиб қолган. Уларни санар эканман, улкан чинорлардек бўй рослаган устоззодаларимиз профессорлар Озод Шарофутдинов, Нодир Саидов, Бегали Қосимов, Омонулла Мадаев, Умарали Норматов ва илмий тадқиқот ишимга бевосита раҳбарлик қилган Ёрмат Тожиевлардан бир умр шогирднинг миннатдорлик ҳисси борлигини эслаб кўзларим ёшланади.

«Осий банда» деган сўзни оддий қабул қилиш биз инсонларга хос тушунча. Ваҳоланки, бу сўз катта йўқотишлар содир бўлганида ўз салмоғини яна бир қарра бизга эслатиб қўяди.

Ёрмат Тожиев шогирдларига ута жиддий, илмда сабрли ва салоҳиятли олим эдилар. Домламиз бизнинг кечагидек эсимизда, гузал водий қишлоқларида, узун йўллар ва арик бўй-

ларидаги бетакрор теракзорлари-ю, ям-яшил мевали боғлари билан навқирон ёшлик онларимизни доимо ёдимизга солувчи дамлар билан чамбарчас боғлиқ хотиралар сувратида намоён бўлади. Айни таътил бўлишига қарамасдан Асака-ю, Шаҳрихон туманларига қарашли маҳаллаларда яёв кезган дамларимиз кўз унгимизда. Биз Тошкентдан келган талабалар худди кинолардаги журналистлар сингари ўзимизни тутишга ҳаракат қиламиз. Сабаби бизнинг ўз олий мақсадларимиз бор. Яъни биз маҳаллий халқ тилида учрайдиган шевага хос сўзларни йиғишимиз, ушбу сўзларнинг этимологиясини ўрганиб, тадқиқ қилишимиз зарур эди. Келажакда фақат шу ҳудуднинг ўзигагина хос бўлган ўнлаб сўзларнинг контекстда ишлатилиши билан боғлиқ мисолларни топишимиз, она тилимиз заҳирасини бойитиш мақсадида салмоқли ҳисса қўшиш завқ-шавқи билан яшар эдик. Биз амалиётчиларнинг тажриба майдончаларидаги субъект ва объектларимиз вақти-вақти билан алмашилиб турар эди. Яъни улар нуроний оқсоқоллар, муътабар онахонларимиз, кексалар, умуман халқ оғзаки ижодига меҳри баланд бўлиб, миллий лашар ва қўшиқлар, термалар, халқ мақоллари, маталлари картотекасини яратишга астойдил ҳаракат қилар эдик. Мана шундай олтин давримизнинг қайноқ амалиётларида бизга сўзнинг сеҳрли қудратини, салобати-ю, тарихийлигини, ўзгаришлар силсиласидан омон қолган залворини тадқиқ қилишга ўргатган донишманд олим Ёрмат Тожиевдир. Устоз ҳар бир дарсни жон қуйдириб, ўта содда мисоллар асосида қизиқарли ўтарди.

Домла тўғри сўз, жуда самимий, очик кўнгил, қўли ширин пазанда, «Шахмат кироли» эди. Бизнинг факультетимизда кизлар жуда кўпчилиқни ташкил қилар эди. Гуруҳимизда 11 нафар ўғил болалардан ташқари 39 нафар кизлар бўлиб, ҳаммаси ўзгача бир олам эди. Ана шу кизларнинг деярли 70 фоизи тилшунослик, ўзбек адабий тили, ўзбек тили тарихи, туркология каби йўналишларда тадқиқотлар олиб боришдилар. Бу билан нима демоқчиман, устоз ҳар бир дарсни қизиқарли,

жон куйдириб тушунтирар эдилар. Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Устоз берган билимнинг таъсир кучи, фанга меҳр уйғота олганлиги билан белгиланади. Биз устозларни хотирлар эканмиз, гузал ва қайтарилмас оний дамлар куз ўнгимиздан бир-бир ўтади. Дугонам Гулнорахон домла Ёрмат акадан ўзбекча, водийликларга хос ош дамлашни ўрганганлигини фахр билан ёдга олади ва бир умр пазанда келин, ўйбекаси бўлиб олқишларга сазовор бўлганлигини, фаргоналик дугонам Шохистахон устоз билан Гулистон давлат университетида битта кафедрада фаолият олиб борганлигидан фахрланиб гапирди. Мен ҳам узок йиллар малака ошириш институтларида устозим Ёрмат Тожиев билан бир сафда хизмат қилганлигим, устозимнинг жуда кўплаб маърузаларида иштирок этганлигимдан кўнглим тоғдай кўтарилади. Айниқса, маънодон сўзларнинг ишлатилиши, қўлланилиши каби ўзбек адабий тилининг, тилшуносликнинг сермахсул соҳаларида олиб борган илмий тадқиқот ишлари, улар томонидан яратилган илмий мактаб умрбоқийлиги билан Янги Ўзбекистоннинг ажралмас бир бўлаги, остонаси олтидан бўлган авлод бешиги бўлиб қолади.

Домламиз тилшуносликнинг барча соҳаларини ҳеч эринмасдан, майда-чуйда деталаригача жон куйдириб тушунтирар эдилар. Ута содда, ҳаммага бирдай тушунарли қилиб, деҳқонча тарзда ҳаётий мисоллар орқали бизга тил қонун-қоидаларини илмий асослаб миямизга қуйиб қўярдиларки, дарсларни ҳанузгача устоз келтирган мисоллардан фойдаланиб, ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ўлим ҳақ. Яшаш имтиҳон. Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Охиратингиз ёруғ бўлсин! Қабрингиз нурга тўлсин! Азиз Устозимиз, биз Сиздан бир умр миннатдормиз! Яхши инсонларнинг номи ҳамиша қалбларда барҳаётдир!

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,
педагогика фанлари номзоди